



## БЎЛАЖАК МТТ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

*Махмутазилова Юлдуз Рахматовна*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,  
Мактабгача таълим технологияси кафедраси доценти в.б. (PhD)*

**Аннотация.** Ушбу мақола мактабгача таълим йўналишида тахсил олаётган талаба-ёшлар ва мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш йўллари ҳақида ёритилган. Шунингдек, коммуникация ва мулоқот, ахборот технологияларининг мазмун-моҳияти батафсил очиб берилган. Бўлажак тарбиячиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни мулоқот тизими сифатида ўрганилган.

**Аннотация.** В статье описаны способы развития коммуникативной компетентности учащихся и воспитателей дошкольного образования, подробно описано содержание коммуникативных и информационных технологий, исследуется процесс развития коммуникативной компетентности будущих воспитателей как коммуникативная система.

**Таянч сўзлар:** коммуникация, компетенция, ахборот технологиялари, боғланишли нутқ, коммуникатив кўникма, тарбиячилар, мактабгача таълим, мулоқот, фаолият

**Ключевые слова:** общение, компетенции, информационные технологии, родственная речь, навыки общения, воспитатели, дошкольное образование

Мактабгача таълим тизимида бўлажак тарбиячиларни коммуникатив кўникмаларини тизимли ёндошув асосида ривожлантириш мақсад қилиб олинган. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тарбиячиларни коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш бўйича электрон ахборот тизими дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тарбиячиларни коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда, нутқий фаолиятини такомиллаштиришда электрон қўлланмалар, инновацион китоблардан фойдаланиш зарур.

Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ва интерфаол ёндошув асосида мотивацион, когнитив, операционал ва рефлексив компонентлар



бўйича ишлаб чиқадиган электрон қўлланмалар, инновацион китоблар тарбиячиларда методик имкониятларни яратади.

Р.Ф.Абдеев, Л.М.Землянова, Г.Г.Почепцов, А.И.Ракитов, И.И.Зарецкая, В.А.Кан-Калик, А.В.Мудрик, Л.А.Петровская, В.А.Сластенин, Г.С.Трофимовалар ўз тадқиқотларида коммуникатив кўникмаларни ўрганганлар.

Тизимли ёндашувни таълим жараёнидаги аҳамиятини И.В.Прангишвили, Н.П.Абаскалова, В.А.Таймазов, С.Е.Бакулов, В.В.Иохвидовларнинг изланишларида ёритилган. [3]

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Х.А.Маматқулов, Г.С.Сабилова, В.П.Беспалько, А.Г.Гейн, А.А.Кузнецов, С.В.Панюкова, Н.В.Папкловская, И.В.Роберт, Д.Д.Рубашкин, Г.К.Селевко, Е.С.Полат, А.Ю.Уваров, О.Н.Шиловалар тадқиқот ишларини олиб борганлар. [3]

Коммуникация ва унинг талқини, мазмун-моҳияти ҳақида турли қарашлар, таърифлар мавжуд.

Коммуникация – лотин тилидан олинган бўлиб, “умумлаштираман, боғлайман, мулоқот қиламан” деган маъноларни билдиради.<sup>1</sup>

Коммуникация – (лот. communicatio – хабар, алоқа). Бирор мазмуннинг тил воситалари орқали берилиши, хабар қилиниши маъноларини англатади.<sup>2</sup>

Ахборот технологиялари – услублар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, тарқатиш ва акс эттиришни таъминловчи дастурий-техник воситалар яхлитлиги тушунилади. Ахборотлаштириш жараёни бугунги кунда моддий моддий ишлаб чиқариш, ижтимоий жабҳалар ва шу билан бирга таълим тизимини ҳам қамраб олган. Ахборотлаштириш жараёнларининг объектлари сифатида хабарлар, хужжатлар, маълумотлар базаси, ахборот технологиялари, дастурий воситалар, ахборот ҳисоблаш тизимлари ва тармоқлари тушунилади.

Таълимнинг ахборот-коммуникация технологиялари компьютер ёрдамида маълумотларни тайёрлаш ва уни тарбияланувчиларга, бўлажак тарбиячиларга узатиш жараёни тушунилиб, ўқитишни дастурлаш, интеллектуал (муаммоли ўқитиш), ўқув коммуникациялари тизими ва таълимдан иборатдир.

Тизимли ёндошув босқичлари асосида бўлажак тарбиячиларни коммуникатив компетенцияларини такомиллаштириш жараёни:

<sup>1</sup> Григорьев С.Г. Методико-технологические основы создания электронных средств обучения. -Самара: Издательство Самарской государственной экономической академии, 2002.-110 с

<sup>2</sup> Р.Расулов,К.Мўйидинов “Нутк маданияти ва нотиклик санъати” ўқув қўлланма, Т-2010. 33-бет



1-босқич – бу босқичда мактабгача таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар ва тарбиячиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг тайёргарлик босқичи сифатида рағбат ва ташаббусларни, инновацион ғояларни шакллантиришга қаратилган, талабаларнинг таълим фаолияти олдига муҳим бўлган билим ва қобилиятларга эга бўлишга ундайдиган, аниқ мақсадларни қўйиш орқали амалга оширилади. Коммуникатив жараёни фаоллаштиришда ҳар томонлама психологик тайёргарликни амалга ошириш, таълим фаолиятига қизиқишни уйғотиш, ўқув материалларини эгаллаб олиши учун зарур бўлган эмоционал – рухий шароитни яратиш, таълимнинг мазмуни, шакли ва услуби такомиллаштирилиб борилади.

2-босқич – босқичда бевосита коммуникатив кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган. Бунда мазмунга оид тобора мураккаблашиб борадиган ўқув машғулотларининг талабалар томонидан доимий амалга оширилишини ташкил этиш, эришиш мумкин бўлган мақсадларни аниқлаш йўли билан уларда ўз-ўзига ишонч, ирода ва лаёқат ҳиссини ривожлантиришни кўзда тутди.

3-босқич – бу босқичда эса мактабгача таълим йўналишидаги талабаларнинг коммуникатив кўникмаларини шакллантириш жараёнини рағбатлантириш, баҳолаш ва такомиллаштириш бўлиб, у тизимнинг барча бўлақларини ривожлантиришга қаратилган. Натижани баҳолашда маълум даражадаги билимларга, кўникма ва қобилиятларга эга бўлиш иштиёқининг фаоллик даражасига эришганда амалга оширилади.

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш мулоқотнинг оғзаки ва ёзма шаклларини ривожлантиришни кўзда тутар экан, бунда мулоқотга бўлган эҳтиёжни самарали амалга ошириш талаб этилади.

Бўлажак тарбиячиларни коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ахборот (lot.information – таништириш, тушунтириш) – фалсафада қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенгроқ маъно касб этган марказий категориялар сифатида майдонга чиққан тушунча.<sup>3</sup>

Бугунги кунда ахборот тушунчасининг тараққиёти турли-туман дунёқарашлар, фалсафий қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ахборот

<sup>3</sup> Фалсафа: комусий лугат. (Тузувчи ва муҳаррир Қ.Назаров).-Т.:Шарқ, 2004.40- бет



воспиталарининг ниҳоятда кўпайиши ХХІ асрни ахборот асри деб аталишига сабаб бўлди.

Бўлажак тарбиячиларда коммуникатив компетентликни таркиб топтиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг педагогик мақсадлари ақс этади. Ахборот-коммуникация технологиялари талаба-ёшлар, бўлажак тарбиячиларнинг:

- мустақил фикрлашини;
- маънавий-эстетик тарбиясини;
- коммуникатив қобилиятини;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини;
- ахборот маданиятини ривожланишини таъминлайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш талаба-ёшлар, бўлажак тарбиячиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Шунингдек, бўлажак тарбиячиларда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қуйидаги коммуникатив компетентлилик, шахсий сифатларлар шаклланади:

- ахборот технологиялари ва коммуникацион воситалардан фойдалана олиши;

- масофадан ўқиш ва ўқитиш жараёнини ўрганиши;

- ахборотлар тўплаш методлари ва улардан фойдаланишни билиши;

- педагогик жараёнда вужудга келган муаммоли вазиятларда таълим олувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;

- ҳамкорликда фаолият олиб боришга ундаш жараёни;

- ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмашилиш кўникмаси;

- таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ташкил этишда кўмаклашиш, лойиҳаларда иштирок этиш ва маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қила олиш малакасига эга бўладилар.

Бўлажак тарбиячиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантиришда қўйилаётган энг асосий талаблардан бири – замонавий билимларга эга бўлиш, ўз она-юртини севиш, ва шу асосда касбий коммуникатив компетентлилик юзага келади яъни бунда тарбиячининг



ташкilotчилик, тадқиқотчилик, мулоқотчанлик ва ижодкорлик қобилиятларида акс этади.

Ҳар соҳада, йўналишда коммуникация ўзига хос жиҳатларни акс эттиради, намоён бўлади. Лекин барчасидаги асосий бирламчи вазифа – ўзаро мулоқот ва боғлиқликни йўлга қўйиш бўлганлиги сабабли ҳам фанлар предметидан келиб чиқадиган табиат, борлик, жамият, инсоннинг ўзаро ҳамкорликда бир-бири билан боғлиқ ҳолда тасаввурга намоён бўлиши ва реалликка айланиб бориши билан юзага келади. Шу сабабли ҳам коммуникация ўз ичига ўзига хос мураккаб таркибий қисмларни қамраб олган жараён сифатида тадқиқ қилинади.<sup>4</sup>

Мулоқот (коммуникация) – бу инсоннинг ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик шароитида яшаш услубидир. Мулоқот жараёнида инсонлар маълумот – фикр, ғоя ва туйғулар алмашишади, шахс фаол мулоқоти орқали коммуникатив қобилияти шаклланиб, етукликка эришади. Шундай экан, мулоқот орқали таъсир этишда мулоқотга киришиш зарур. Ўқитувчи талабаларга бирор-бир нарсани ўргата олиши учун улар билан албатта мулоқотга кириши шарт. Мулоқот ҳамкорликда мулоқотга киришувчилар ўртасида ахборот айрибошлашни ўз ичига олади. Бундай ахборот айрибошланиши мулоқотнинг коммуникатив жиҳатини таърифлайди.

Демак шундай хулосаларга келамизки, ҳозирги кунда коммуникациясиз инсонларнинг ривожланишини тасаввур эта олмаймиз. Зеро, бугунги замонавий дунё қиёфасини ҳам коммуникациясиз ҳис этиш қийин бўлиб бормоқда.

### Адабиётлар

1. Тақомиллаштирилган Илк қадам давлат ўқув дастури Т-2022 йил
2. Р.Расулов, Қ.Мўйдинов “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” ўқув қўлланма, Т-2010. 33-бет
3. Рахмонов А.Б. “Ўқувчиларнинг коммуникатив кўникмаларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида шакллантириш” Т-2019; педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
4. Рахмонов А.Б. “Коммуникация ва мулоқот – педагогик ҳамкорлик имкониятлари” “Халқ таълими” илмий-методик журнали 2018 /4 сони 96-бет

<sup>4</sup> Рахмонов А.Б. «Коммуникация ва мулоқот – педагогик ҳамкорлик имкониятлари» “Халқ таълими” илмий-методик журнали 2018 /4 сони 96 б



5. Махмутаимова, Ю. Р. (2019). Роль воспитателя в детском саду в формировании личности ребенка. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (3), 24-28.

6. . Imamova, N. (2022). IMPORTANCE OF INDEPENDENT ACTIVITY AND CREATIVITY DEVELOPMENT IN TRAINING TEACHERS. *Science and Innovation*, 1(7), 676-679.

7. Imamova, N. Z. (2022). DEVELOPING THE CREATIVE QUALITIES OF FUTURE TEACHERS. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(04), 317-321.

8. Gaynazarova, G. A., & Bahronovna, I. Z. (2023). MEDIASAVODXONLIKNING YOSH AVLOD MA'NAVIYATIGA TA'SIRI. *WORLD OF SCIENCE*, 6(11), 123-128.

9. Gaynazarova, G. A. (2023). OTA-ONA QARAMOG 'IDAN MAHRUM BO'LGAN BOLALAR MA'NAVIYATIDA IJTIMOY MUHITNING TA'SIRI. "GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS, 9(1).

10. Gaynazarova, G. (2022). Social adaptation and its pedagogical factors (on the example of girls). *Science and Innovation*, 1(8), 2160-2164.